



**Аҳоли кузатувчи эмас, бевосита иштирокчига айланди**

2-с.

**Шароит ва имконият бир, аммо нега натижа ҳар хил?**

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№33  
(2361)**

**2026 йил  
22 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА**

# Маҳалла

**ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН**

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

### ИМКОНИАТ

### МАҲАЛЛА ТАВСИЯСИ ИШГА КИРИШДА УСТУВОРЛИК БЕРАДИ

**Эндиликда маҳаллаларда истикомат қилувчи 18 ёшдан катта бўлган аҳоли вакиллари “Фавқулдда вазиятлар волонтери” жамоатчилиги гуруҳларига жалб этилади.**

Хукуматнинг тегишли қарори билан “Волонтерлар ва кўнгилли кўтқарувчиларни “Фавқулдда вазиятлар волонтери” жамоатчилиги гуруҳларига жалб этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Мазкур гуруҳлар ҳар бир маҳаллада ёшлар орасидан волонтерлар ва аҳоли орасидан кўнгилли кўтқарувчилардан шакллантирилиб, маҳаллаларни фавқулдда вазиятлардан холи ҳудудга айлантиришни мақсад қилади. Гуруҳга фақат 18 ёшдан катта Ўзбекистон фуқаролари қабул қилинади.



Жамоатчилиги гуруҳларининг аъзоларига қатор имтиёзлар тақдим этилади.

**Биринчидан**, уларга Фавқулдда вазиятлар вазири тавсияномасига асосан, Вазирлик академиясининг бакалаврият йўналишига ўқишга киришда Ўзлари тўплаган баллнинг 5 фоизи миқдорига қўшимча балл берилади.

**Иккинчидан**, кўнгилли кўтқарувчиларга “маҳалла еттилиги” тавсияномасига асосан, ҳудудий кўтқарув тузилмаларида кўтқарувчи лавозимига ишга қабул қилиш бўйича танловда белгиланган тартибда устуворлик берилади.

Ҳудудий кўтқарув тузилмаларига ишга кириш истагини билдирган 30 ёшдан ошмаган кўнгилли кўтқарувчилар маҳалла раисига тавсиянома олиш учун ариза билан мурожаат қилади.

Тавсиянома бир йил муддатга берилади.



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



### ШАРҚНИНГ ИККИ ГАВҲАРИ: ЎЗБЕК ВА ЯПОН ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИДАГИ МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Япониядаги ташрифи давом этапти.**

Айтиш керакки, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён изчил ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда кунчиқар юрт мамлакатимизнинг энг ишончли ва стратегик шерикларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар, аввало, сиёсий мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган. Юқори даражадаги учрашувлар ва расмий ташрифлар ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ташриф доирасида делегация аъзолари Нагоя университетида илмий музокаралар ўтказди. Университет президенти Наоши Сугияма билан бўлиб ўтган давра суҳбатда маҳалла институтининг бугунги ислохотлардаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилди. Шу ерда “Аънаналардан институционал ривожланиш сари: замонавий Ўзбекистонда маҳалла тизимининг тараққиёти” мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

Қайд этилганидек, маҳалла, бу — фақат тарихий аънава эмас, балки замонавий давлат бошқаруви тизимининг энг қўйи, аммо энг муҳим бўғини сифатида шаклланаётган инклюзив ижтимоий институтдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур тузилма янада институционал тус олди: “маҳалла еттилиги” модели жорий этилди, рақамли бошқарув тизими кенгайтирилди, маҳаллаларнинг молиявий мустақиллиги таъминланди. Натижада бугун ижтимоий муаммоларнинг катта қисми айнан маҳалла даражасида ҳал этилмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

### БУГУНГИ СОНДА:

#### Муқаддас қўрғонни мустаҳкам ирода сақлаб қолади

Ҳар бир ёш оила аталмиш муқаддас қўрғонга қадам қўйишдан олдин унинг моҳиятини чуқур англаб етиши зарур. Оилада нафақат турмуш фаровонлиги, балки маънавий бирдамлик, руҳий яқинлик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

4-с.

#### Адашган ёшга “тамға” эмас, имкон бериш масъулияти муҳимроқ

Тан олиш керак, жамиятимизда ҳали ҳам бир оғриқли қараш мавжуд: кимдир бир марта хато қилса, уни бутун умрга “яроқсиз” деб баҳолаш. “У қамоқда ўтириб чиққан”, “у олдин адашган” деган тамға билан ундан юз ўгирамиз. Аслида, инсоннинг энг катта синови — унинг хатосидан кейин қандай ўзгариши эмасми?

5-с.

#### “Кимнингдир ҳаётига қувонч кирита олсам, бу — менинг бахтим!”

Бугун бир оиланинг ҳолидан хабар олиб, унинг муаммоларини чуқур ўрганамиз. Эртага эса имконияти чекланган фарзандни жамиятга мослаштираемиз, керакли хизматларни кўрсатиб, фаровон турмуш кечирishiга қўмақлашамиз. Ҳар бир эшик ортида янги синов, юракларни азоблаётган қайғу бор.

6-с.

### ДИПЛОМЛИ ЁШЛАР КЎП, МУНОСИБ ИШ-ЧИ?



### ҲУҚУҚБУЗАРЛИК БИТТА БЎЛСА ХАМ, ХАВОТИРНИ ОШИРАДИ

### Маҳалла кутубхонаси — илм ва маърифат кўприги

**Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган VI Республика китобхонлик ҳафталиги доирасида “Маҳалла кутубхонаси — илм ва маърифат кўприги” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари, адабиёт намояндалари, шоирлар, ёзувчилар, китобхонлар иштирок этди. Мулоқотда маҳаллаларнинг ёшлар тарбияси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Кўпинча “кутубхона керакми?” деган савол замонавий рақамли даврда шубҳа билан қўйилади. Интернет, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект воситалари кенгайган шароитда аънаванавий кутубхона ўз аҳамиятини йўқотганими ёки аксинча — янада муҳим бўлаётганими? Бу саволга жавоб бериш учун маҳалла даражасида кутубхоналарнинг амалий ролига эътибор қаратиш зарур.



### ЖАРАЁН

Давоми 2-саҳифада.



**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ** халқаро тадбирларда иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.



Давлатимиз раҳбари **“Янги Ўзбекистон Ёшлари — 2030”** стратегияси лойиҳаси юзасидан тақдирот билан танишди.



**ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ БИЛАН “Besqala Mining Valley”** махсус майнинг ҳудуди ташкил этилади. У 2035 йилгача солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади.

2

**Mahalla** №33

2026 йил  
22 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

## “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНING ВИЖДОНИ!”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

# ШАРҚНИНГ ИККИ ГАВҲАРИ: ЎЗБЕК ВА ЯПОН ХАЛҚЛАРИ ТАФАККУРИДАГИ МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мулоқотда айна пайтда Япония жамоатчилиги ва илмий доиралари ижтимоий интеграцияни кучайтириш, аҳоли ўртасидаги ўзаро ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш, ёлғизлик ва ижтимоий изоляция каби долзарб муаммоларни ўрганишга жиддий эътибор қаратаётгани таъкидланди.

Шу аснода, маҳалла институти тажрибасини ўрганиш япон тадқиқотчилари учун алоҳида илмий йўналиш бўлиши мумкин. Мазкур тузилманинг илмий асослари чуқур ил-дизларга эга. Жумладан, айнан япон олимлари — Масато Хиватару, Асука Кавано, Сеика Вазакки каби олимларнинг тадқиқотларида маҳалланинг моҳияти, тарихи, унинг ижтимоий аҳамияти, ҳатто бугунги жамиятларида ижтимоий бирдамлик, жамоавий бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи ташкил этиш тизими сифатида таҳлил қилинган.

Мухим жиҳатлардан бири — Ўзбекистон ва Япония маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимлари ўртасида ўхшашликлар мавжуд. Япониядаги “Чонайкай” ва “Жичикай” каби жамоа институтлари билан маҳалла ўртасида ижтимоий бирдамлик, фуқаролик фаоллиги ва маҳаллий даражадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш борасида яқинликлар мавжуд экани қайд этилди.

Сўхбат якунида ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ ташаббуслар илгари сурилди: маҳалла тизимига доир қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, академик алмашинув дастурлари ҳамда 2026 йилда Ўзбекистонда ташкил этилаётган “Маҳаллани ривожлантириш миллий институти” ва Нагоя университети ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.



Делегация аъзолари “Нагоя — Ўзбекистон” дўстлик жамияти раҳбари Шамот Ёсуке ҳамда Японияда истиқомат қилаётган фаол ватандошлар билан учрашди.

Мазкур мулоқот давомида миллий кадриятларни асраб-авайлаш, хорижда яшаётган ўзбек ёшларининг ҳаёт тарзи, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, иштирокчиларга мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.



Учрашувда сўз олганлар Японияда ўзбекистонликларга, айниқса, ҳайдовчилик ва қурилиш соҳаларида бўш иш ўринларига талаб мавжудлиги, ёшлар учун 6 ойлик япон тилини ўргатиш курси ҳамда 2 ойлик касбий малака ошириш дастурлари ташкил этилгани маълум қилинди.

Кейинги манзил — Нара шаҳри. Делегация аъзолари Нара провинциянинг бир қатор маҳаллаларида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва тарбиявий ишлар билан яқиндан танишди. Ташриф давомида маҳаллий хунармандчилик аъналари, уларни сақлаш ва келгуси авлодга етказиш тизими, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда ушбу соҳанинг ўрни атрофлича ўрганилди.

Қаҳрамон Қуронбоев Нара шаҳри мэри Ген Накагава билан учрашди. Мулоқотда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар узоқ йиллик ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган бўлиб, бугунги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Самарқанд ва Нара шаҳарлари ўртасидаги биродарлик алоқалари — Буюк Ипак йўли меросининг давоми сифатида маданиятлар ўртасидаги кўприк вазифасини бажармоқда.

Учрашув доирасида қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилди. “Ипак йўли мероси” қўшма туризм йўналишларини яратиш, таълим ва ёшлар алмашинув дастурларини кенгайтириш, маҳалла тизими ва Япониянинг ўзини ўзи бошқариш тажрибаси бўйича ҳамкорлик, “Самарқанд — Нара маданият ҳафталиги”ни йўлга қўйиш каби муҳим масалаларда келишувларга эришилди.

Ўзбекистон делегацияси Япониянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган “Жичикай” фаолияти билан танишди.

“Жичикай”, бу — аҳоли ихтиёрий асосда ташкил этган жамоат институти бўлиб, у маҳаллий ҳамжамиятни ривожлантириш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг жамоат ҳаётидаги фаол иштирокини рағбатлантиришга хизмат қилади. Қайд этилганидек, Нара шаҳрида 1100 га яқин “жичикай” фаолият юрताди.

Шунингдек, учрашув давомида Ўзбекистондаги маҳалла институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалий фаолияти юзасидан батафсил маълумот тақдим этилди. Ташриф давом этмоқда.

ЖАРАЁН

## Маҳалла кутубхонаси — илм ва маърифат кўприги

Маҳалла кутубхонаси фақат китоб сақланадиган жой эмас, у ижтимоий мулоқот ва интеллектуал ривожланиш маркази бўлиши керак. Интернет-нафлар ёки мақсадсиз кўча кезиш ўрнига ёшлар билим оладиган бепул ва хавфсиз масканга эҳтиёж сезади. Кутубхона айнан шу бўшлиқни тўлдиретиши зарур. Қолаверса, маҳалладаги китобхонлик даражаси жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайишига ҳам бевосита таъсир қилади.

Маълум вақт бўлдики, маҳаллаларда мавжуд жамоат кутубхоналари ёппасига ёпилиди. Шу билан бирга, айримларида китоб-

лар сони кўп бўлса-да, сифат ва долзарблилик жиҳатидан камчиликлар бор эди. Баъзи кутубхоналар кўпинча юқори ташкилот текшируви келгандагина очилгани ҳам бор гап. Қолган вақтда эшиги қўлф, қалити “бирор масъул”нинг чўнтагида бўларди. Шунингдек, иссиқ-совуғи йўқ, интернет тармоғига уланмаган, ўтириш учун ноқулай хоналарни “кутубхона” деб аташ қийин...

Давра сўхбатида бугунги маҳалла кутубхоналарининг замонавий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги муҳокамалар марказида бўлди.

Маҳалла кутубхоналарини ҳақиқий маърифат ўчоғига айлантириш учун:

**Замонавий фонд:** кутубхоналарни замонавий бадий асарлар, мотивацион китоблар ва зарур мутахассислик адабиётлари билан мунтазам янгиллаб туриш зарур.

**Коворкинг муҳити:** китоб ўқиш билан бирга, бепул Wi-Fi, ноутбукда ишлаш учун жойлар ташкил этиш лозим. Бу масофадан ишловчи ёшларни ҳам маҳаллага қайтарди.

**Жамоатчилик бошқаруви:** кутубхонани маҳалланинг энг фаол китобхон ёшларига топшириш керак. Улар ўзлари учун қизиқарли бўлган китобхонлик кечалари ва муҳокамаларни ташкил қила олишади.

**Кутубхона фақат китоб ўқилганидан жой эмас:** у мулоқот, фикр алмашиш ва интеллектуал ривожланиш майдони. Агар маҳаллада бундай муҳит бўлмаса, кутубхона уни яратиши мумкин.

**Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотида кўра,** маҳаллаларда биргина утган йили 2 200 дан ортиқ “Маҳалла кутубхонаси” фаолияти йўлга қўйилди. Улар аънаввий ва рақамли ресурсларни уйғунлаштириди, тадбирлар, клублар ва муҳокамалар орқали ёшларни жалб қилади, фақат китоб бериб қўймай, йўналтирувчи ролини ҳам бажаради, энг муҳими, таълим муассасалари билан интеграцияда ишлайди.



Мулоқот якунида маҳаллага кутубхона кераклиги, лекин у шунчаки “китоб жавони” бўлиб қолмаслиги лозимлиги қайд этилди. Агар биз “Маҳалла кутубхонаси”ни йиғиннинг “юррак уриши”га — одамлар интиладиган масканга айлантира олмасак, бу лойиҳа шунчаки бюджет маблағларининг самарасиз сарфи бўлиб қолаверади. Китобхонлик мажбурият эмас, эҳтиёжга айланиши учун, аввало, шароит ва савимият керак. Шунинг учун асосий савол “кутубхона керакми?” эмас, балки “қандай кутубхона керак?” бўлиши лозим.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Санжар ИСМАТОВ  
тайёрлади.

Япон томони маҳалла тизимига катта қизиқиш билдириб, унинг жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва давлат билан жамоат ўртасида самарали мулоқот тизими сифатидаги ўрнини юқори баҳолади.

МАҲАЛЛА ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИДА

## АҲОЛИ КУЗАТУВЧИ ЭМАС, БЕВОСИТА ИШТИРОКЧИГА АЙЛАНДИ

Маҳалламизда Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш бўйича амалга оширилган ишлар юртимизда ислохотлар марказида инсон қадрини, унинг муносиб ҳаёт кечирishi ва фаровонлиги турганининг амалий ифодаси бўлди.

Эркин ЖАМБИЛОВ,  
Нурафшон шаҳридаги  
“Нурафшон” маҳалласи раиси.

Бу ерда гап фақат бинолар қурилиши ёки йўллар таъмирланиши ҳақида эмас, балки инсонларнинг турмуш тарзи, дунёқараши ва ўз ҳудудига бўлган муносабати ўзгараётгани ҳақида кетмоқда. Йиғинимизга кираверишдаги мухташам арқадан тортиб, ҳар бир янгиланган кўчау бино — Янги Ўзбекистон ислохотлари бизнинг оstonамизгача кириб келганидан далolatдир.

Раис сифатида мени энг қувонтирадиган жиҳат — аҳолининг ўз келажакини қуришда бевосита иштирок этаётганидир. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида аҳоли билан бир ёқадан бош чиқариб, ютиб олган 3 миллиард 400 миллион сўм маблағини иккита мактабгача таълим ташкилоти ҳамда битта мактабни реконструкция қилишга йўналтирдик. Бу — маҳалла аҳлининг бирдамлиги галабасидир.

Илгари маҳалла деганда, одамлар фақат маъмурий бинони тушунган бўлса, бугун “Нурафшон” маҳалласи биноси чинакам маданият ва маърифат масканига айланди. 210 миллион сўми эъзага қурилган янги янги кутубхона ва “Workout” майдончаси фарзандларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун бебаҳо тўхфа бўлди.



Маҳалланинг иқтисодий таянчи бўлган “Irodod Textil” лойиҳаси 600 та янги иш ўрни яратди. Бу — шунча оиладаги тукининг ва эртанги кунга бўлган ишонч демакдир. Бундай мисоллар маҳаллада “иш излаш” эмас, “имконият яратиш” муҳитини шакллантираётганини кўрсатади.

Худди шундай, 700 дан ортиқ дарахт кўчатларининг экилиши нафақат атроф-муҳитни яхшилайдди, балки аҳолида ерга, табиатга эғалик ҳиссини кучайтиради. Кўчатларни аҳолига бириктириб бериш амалиёти эса жуда муҳим жиҳат — у фуқароларда дахлдорлик туйғусини шакллантиради. Энди ҳар бир дарахтнинг кўкаришига ўзимизни масъул сезамиз, чунки бу — бизнинг боғимиз, бизнинг тоза ҳавомиз!

Бугун маҳалламизга кириб келган ҳар бир инсон ўзгаришларни дарҳол сезади. Мухташам кириш аркаси, замонавий тиббиёт муассасалари, кутубхона ва янгиланган маҳалла биноси — буларнинг барчаси аҳоли учун яратилган шароитлардир. Энг муҳими, бугун одамларимизда “менинг маҳаллам” деган ифтихор туйғуси шаклланмоқда. Чунки ҳар бир амалга оширилган ишда уларнинг ҳам ҳиссаси бор. Биз — маҳалла фаоллари сифатида аҳолини фақат кузатувчи эмас, балки бевосита иштирокчига айлантиришга интиломдамыз. Аслида, Янги Ўзбекистон маҳалласи концепциясининг энг муҳим жиҳати ҳам шу.

Албатта, олдимизда ҳали кўп вазифалар бор. Эришилган натижалар бизга янада катта мақсадлар сари ишонч билан интилиш имконини бермоқда.



**2026 йил 1 августдан тадбиркорлар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги мулоқотда ҲИСОБДОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ.**



**Кам таъминланган шахсларга ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ ҲАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ.**



**Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманида 100 гектар майдонда МАШИНАСОЗЛИК МАХСУС САНОАТ ҲУДУДИ барпо этилади.**

**2026 йил  
22 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА**

**Mahalla №33**

**3**

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

**ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!**

### “Ўзгаришларни ҳар бир инсон, ҳар бир оила тақдирида ҳис этяпти”

**Маҳалламизга келган инсоннинг бу ердаги озодликдан кўзи қувнайди. Равон кўчалар ислохотлар олис ва чекка ҳудудларда самара бераётганини кўрсатса, ораста хонадонлар меҳнатсевар одамлар ҳақида сўзлайди.**



**Сардор Қўлдошев, Нарпай туманидаги “Хўжақўрғон” маҳалласи ҳокими ёрдамчиси.**

Худудда 5 444 нафар аҳоли истиқомат қилади. “Еттилик” бугунги ўзгаришларни ҳар бир оила, ҳар бир инсон тақдирида акс этиши

учун доимо ҳаракатда. “Ўсиш нуқтаси” — чорвачилик, иссиқхоначилик ва хизмат кўрсатиш. Қулупнайчилик янги “драйвер”га айланыпти. Боиси Пре-

зидентимиз жорий йил Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, даромадни кўпайтириш бўйича Нарпай тажрибасини яратиб, бунинг учун қулупнайчилик мактабини ташкил этиш топшириғини берган эди. Йил охиригача 50 та хонадонда қулупнайчилик йўлга қўйилди.

Зоҳиджон Ҳамроев хонадонига кирган кишининг бахри-дили очилди. Бу ердаги тозалик бир ёну ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш тажрибаси бир ён бўлади. Зоҳиджоннинг асли касби — темирйўлчи. Лекин бу билан чекланиб қолмай, томорқадан самарали фойдаланяпти. 6 сотихли иссиқхонада помидор, бодринг етиштирса, яна 1 сотихда кўчатчиликни йўлга қўйган. Йилига 3 марта ҳосил олиб, 90 миллион сўм қўшимча даромад топяпти. Маҳалла кўмагида имтиёзли кредит олиб, томчилатиб сугориш технологиясини йўлга қўйди.

Этиборлиси, ёмғир ва қор сувлари тўпланиб, экинларга ишлатилади. Бундан ташқари, чорвачилик билан шуғулланади. Айни кунда яна 6 сотихли иссиқхона қуриб, хонадонда қулупнай етиштирмоқчи.

Паррандачилик ва иссиқхоначилик ортидан Равшан ва Фарида Қувондиқовлар оиласининг рўзғори бут, ҳаёти фаровон. Ҳовлида 100 дан ортиқ ўрдак, ғоз, товуқ, бедана боқишади. Иссиқхонада помидор, бодринг баравж ўсяпти.

Хусан Маллаев 4 сотихли иссиқхонада гидропоника усулида қулупнай етиштиряпти. Сентябрь ойида экилган ниҳоллар декабрь ойдан ҳосил бера бошлади. Асатулла Турдиниезов 10 сотих иссиқхонада 110 тўп лимон парваришляяпти. Маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида этибор бераёلمиз. Гулбиби Тоҳирова 20 нафар аёлларни иш билан таъминлаган.



**Табийки, бу каби хайрли ишлар натижасида худудда ишсизлик ва камбағаллик даражаси қисқаришига эришяпмиз. Бир сўз билан айтганда, мўъжаз маҳалламиз бугун меҳнатсеварлик ва ҳамжиҳатлик тимсолига айланган.**

**БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ**

## Шароит ва имконият бир, аммо нега натижа ҳар хил?

**Кейинги йилларда ўзгаришлар сабабли маҳалла чинакам халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка айланди. Аммо айрим йиғинларда камчиликлар кузатилаётгани ҳам сир эмас.**

**Хайрулло Абдурахмонов.**

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси маълумотига кўра, худуддаги умумий ҳолат яхши. Аксарият маҳаллалар замонага мос иш ташкил этган. Бирок, вазифасига совуққонлик билан қараётган “еттилик” вакиллари ҳам учраб турибди. — Вилоятда аксарият “еттилик” ходимлари ҳамкорликда иш ташкил этиб, юқори натижа кўрсатяпти, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Уйғун Ҳотамов.** — Афсуски, баъзи жихатларда оқсоқликлар бор. Масалан, “Рақамли маҳалла” платфор-

маси ишга тушгач, 1 346 нафар “еттилик” аъзолари ишга сабабсиз келмаган. 3 та маҳаллада ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича камчиликлар бор. Жўмладан, Боёвут туманидаги “Наврўз” маҳалласи раисиди 57 нафар ишсизнинг атига 7 нафари ишга жойланган, холос. Ваҳоланки, шу тумандаги “Ижодкор” маҳалласи раиси ишсизликдан холи ҳудуд ҳисобланади. Ҳўш, нега бир хил имконият ва шароитда икки хил манзара кузатиляпти? Бу ҳолатга ким ёки нима сабаб бўляпти? Салбий кўрсаткич қайд этаётган йиғинларнинг “еттилик” ходимларига вазиятни яхшилаш учун нима тўсқинлик қияляпти? Ҳозир шу саволларга жавоб топиш бўйича мажмуавий ёндашиб, иш ташкил этганмиз. Чунки битта салбий ҳолат ҳам биз учун кўп.



**Боёвут туманидаги “Ижодкор” маҳалласи раиси раиси Ҳасан Раимбердиевнинг маълум қилишича, дастлаб бу худудда ҳам муаммолар кузатилган.**



— Ишга жойланган фуқаролар бир ҳафтада турли баҳоналар билан яна бекорчига айланган ҳолатлар бўлди, — дейди **Ҳасан Раимбердиев.** — Аммо “еттилик” билан ҳамкорликда ўриндош таклифлар ишлаб чиқдик, баҳонага ўрин қолдирмадик. Айниқса, ҳоким ёрдамчиси кўмагида, аввало, одамларнинг дунёқарашини ўзгаришди. Ташаббус кўрсатган, интиланганга имкон топилади. Бу фикр исботини натижаларимиз кўрсатиб турибди.

Ишсизлик даражаси юқори бўлган “Наврўз” маҳалласидаги ҳолат билан танишганимизда “еттилик”да айнан мана шу бирдамлик, ташаббускорлик етишмаганини кўрамиз.

— Бу вазовимда иш бошлаганимга бир ой бўлди, — дейди **маҳалла раиси Нодир Ҳакимов.**

— Дастлабки кунданок раҳбарият олдимга муаммоларга ечим топиш вазифасини қўйди. “Еттилик” билан “хонадонбай” ўрганиш олиб борганимизда, рўйхатдаги айрим фуқаролар таклиф қилинган ишни рад этгани аниқланди. Яна бир тоифа шахслар имтиёзли кредит олишни истамасан. Айримлар қарзни тўлай олмаслигидан хавотирда бўлса, бошқаси бу маблағни қандай мақсадда ишлатишни билмайди, тадбиркорлик кўникмаси йўқ. Шунинг учун 50 нафар ишсизни тоифаларга бўлиб, “еттилик”нинг ҳар бир ходими ўз йўналишида тушунтириш олиб боряпти, зарур ёрдам кўрсатяпти. Масалан, ёшлар етакчиси ишсиз йигит-қизларни, хотин-қизлар фаоли аёлларни истагига кўра, касб-хўнарга ўқитяпти. Томорқасида иссиқхона ташкил этиш имкони бору истаги ва билими йўқлар иссиқхоначилик сирларини ўрганиляпти. Кўплаб хотин-қизлар тикувчилик бўйича билим оляпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада ишсизлик даражасининг ортиб кетишига етарлиқ тарғибот олиб борилмагани сабаб бўлган. Ҳозир шу бўшлиқни тўлдириш ҳаракати бошланган. Умид қиламизки, яқин вақтларда натижаси рақамларда, инсонлар тақдирида акс этади.

**МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ**

## Хонадонимиздаги “қайнар хумча”

**Янги Наманган туманидаги “Атанган гузар” маҳалласида меҳнатсевар одамлар яшайди. Бу ерда ҳар бир хонадон — барака манбаи.**



Аҳоли томорқаси гўёки “қайнар хумча”. Ундан унумли фойдаланиб, асосий эҳтиёжлар учун турли сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиради. Шунингдек, деярли ҳар бир хўжаликда чорвачилик ва

паррандачилик — одатий юмуш. Бу эса аҳолининг ўз меҳнати билан рўзгорини юртишида муҳим омил бўлиб хизмат қияляпти. Чорвадорлар боққан кўю моли, деҳқонлар экилган картошка, пиёзи билан ризқини топяпти.

Мисол учун, Мусоҳон Абдурахимов хонадониди 8 бош қўй, 30 та парранда боқиб, деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Томорқасида рўзгорбоп маҳсулотлар етиштириб, йилига 3 мартагача ҳосил олади. Бу нафақат оиласи, балки маҳалладошларига манфаат келтиради. Кунига 3 миллион сўм даромад топяпти.

Олим Шарипов уй хўжалигида деҳқончиликка қўшимча равишда зотдор мол парвариши йўлга қўйилган. Кўчқоровлар оиласи гулчилик орқали барқарор даромад топмоқда. Тадбиркорлик — бу ерда анъанавий касб. Исоқжон Ҳаниев 5 йилдан бери оила аъзолари билан “O'zgascha qurult” бренди остида қурут қадоқлайди. Ойига 1 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, ички бозорга етказилади.

Қисқача айтганда, “Атанган гузар” аҳолиси меҳнатдан чарчамайди, зеро улар барака — меҳнатда эканини яхши билади.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Ўлмасбек КОМИЛОВ, Паркент тумани:**

— Яқинда зарур юмуш билан икки кун ишга кела олмадим. Бунинг учун менга интизомий жазо қўлланди. Унинг оқибати қандай бўлади ва қачон бу жазони бекор қилиш мумкин?

## ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҚЎЛЛАНИЛАДИ?



**Лазизбек ҚАРШИЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходими:**

— Интизомий жазо — ходим меҳнат интизомини бузганда, иш берувчи қўллайдиган ҳуқуқий чора ҳисобланади. Унинг 3 та тури — хайфсан, жарима, ишдан бўшатиш бор. Агар сизга интизомий жазо қўланса, бу ҳақидаги яқиний қарор иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Сизга 3 иш кунини ичида (ходим ишда бўлмаган вақт ҳисобга олинмайди) имзо қўйдириб таништирилади.

Интизомий жазоларни қўллашнинг аниқ тартибини ички меҳнат қоида-қоида белгилаш мумкин. Бунда Меҳнат кодекси иш берувчининг ходимни ҳамма нарса учун жазолашга мажбурламайди. Баъзи ҳолларда ходим ташкилотнинг меҳнат интизоми қоидаларини бузади. Масалан, мунтазам ишга кеч қолади, лекин ўзининг асосий ишини бениҳсон бажаради. Бундай ҳолатда иш берувчи ўз хоҳишига кўра, жазони ёки енгиллаштириши ёки умуман қўлламаслиги мумкин.

Жазонинг бир қатор салбий оқибатлари мавжуд. Жўмладан, амал қилиш даврида рағбатлантиришлар берилмайди, байрам ва меҳнат натижаларига асосланмаган муқофотлар тўланмайди. Амал қилиш мuddати 1 йилдан ошмаслиги керак.

**Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**





Вояга етмаганлар тасвирланган ахлоқсиз материалларни сақлаш ёки тарқатиш учун АЛОҲИДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК жорий этилди.



“Афғон уруши”да ҳалок бўлганларнинг ота-оналари ҳамда бевалари учун коммунал хизматлар тўловларининг БИР ҚИСМИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.



Энди аҳолини ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

### “Бараканинг калити ҳар доим ҳаракатда”

Бугун чекка туманларда ҳам томорқа маданияти шаклланиб, қишқи ва эрта баҳор мавсумида иссиқхоналар барпо этиб, эртанги сархил озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш хонадонлар учун муҳим қўшимча даромад манбаига айланди.



София ҚУРБОНОВА, Қорақўл туманидаги “Дарабоғи” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Айни кунда Қорақўл тумани аҳолиси ихтиёридаги 7 минг гектардан ортиқ томорқа майдонида пешма-пеш қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, сабзавот-полиэкинлари етиштирилиб, аҳоли дастурхони тўқиниғига баҳоликдурат ҳисса қўшилмоқда. Томорқачи оилалар, деҳқон ҳўжаликлари эса баракали меҳнат эвазига турмуш тарзини яхшиламоқда. Шундай меҳнатқаш хонадон бекаси Мастура Қадамова бўлиб, у оила аъзолари билан биргаликда томорқасида иссиқхона ташкил этиб, мўмай даромад олаётган миришкорлардан бири. Дастлаб 5 сотих ер майдонида бошланган деҳқончилик фаолияти бугун анча кенгайиб, экин ерининг 10 сотих қисмида замонавий иссиқхона барпо этилган. Бу ерда, асосан, помидор етиштирилмоқда.



Айни пайтда помидорнинг “Аламина” навини парваришлайётган Мастура Қадамова ўтган йили томорқасидан 250 миллион сўмдан ортиқ даромад олишга эришган. Миришкор жорий йилда ҳам иссиқхонадан 300 миллион сўмга яқин фойда қўриш ҳаракатида яқинлари билан бирга меҳнат қилмоқда. Ҳозирга қадар уч маротаба маҳсулот йиғиб олинган бўлса-да, иссиқхонада ҳали ҳосил мўл.

— Помидор етиштириш учун иссиқхона жуда қўлай, — дейди Мастура Қадамова. — Бу орқали даромадли фаолият билан шугулланиш мумкин. Оила аъзоларимиз билан 4-5 йилдан буён иссиқхонадан моддий манфаат топиб келямиз. Аслида, томорқа ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи бўлиб, бандликни таъминлаш ва арзончиликка хизмат қилади. Муҳими, бир жойда тўхтаб қолмасдан, астойдил ишласа, ҳосил ва ундан даромад ҳам келверади.

Бундан ташқари, деҳқон хонадонида эрта баҳор мавсумида томорқачилари учун кўчатчиликни ҳам йўлга қўйган. Ҳозирда помидор билан бир қаторда қалампир, булғор қалампир, бақлажон каби сабзавот кўчатлари ҳам етиштирилмоқда. Шу тақдир деҳқончиликда етарли тажриба орттирган хонадонда ҳалол меҳнат эвазига топилаётган даромад орзу-хаваслар рўёби, фарзандлар таълим-тарбияси, рўзғор барқарорлигини таъминлашга сарфланмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

## Муқаддас кўрғонни мустаҳкам ирода сақлаб қолади

Ҳар бир ёш оила аталмиш муқаддас кўрғонга қадам қўйишдан олдин унинг моҳиятини чуқур англаб етиши зарур. Оилада нафақат турмуш фаровонлиги, балки маънавий бирдамлик, руҳий яқинлик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Негаки, инсон фитратида ҳар қачон кимдандир ишонч, меҳр ва суянч бўлиши нур устига аъло нур. Бусиз ҳеч бир киши бирор муваффақиятга эришмоғи имконсиз. “Одам тафтини одам олади”, деган мақол ҳам шу мезонлардан келиб чиқиб айтилган. Бунда кишининг энг яқин дўсти унинг умр йўлдоши бўлиши нур устига аъло нур.

Умуман олганда, оила ва унинг мўътабарлиги борасида фикрлар оқими чексиз. Бироқ, бунда оғриқли нукталарга ҳам тўхталмай илож йўқ. Маълумки, барқарор жамият асосини мустаҳкам оилалар ташкил этади. Шундай бўлса-да, ажрашишлар сонининг ортиб бориши кишини хавотирга солади. Масаланинг моҳиятига қаралганда эса юқорида саналган омилларга эътиборсизлик оилалар бузиллишига олиб келмоқда.



Тахлилларга кўра, Ўзбекистон ажрашиш кўрсаткичи бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстилиги орасида энг охири ўринларда туради. Ҳозирда мамлакатимизда 10 миллиондан ортиқ оила мавжуд бўлиб, юртимизда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига давлат раҳбари даражасида эътибор қаратиб келинмоқда.



Ажрашаётганларнинг 40,7 фоизини 5 йилгача бирга яшаган оилалар ташкил этапти. Бу ёш оилаларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш қанчалик зарурлигини кўрсатади.

Арзимас сабаблар туфайли, феъл-атворнинг узаро номутаносиблиги баҳонаси билан бир ёки икки нафар гўдакни тирик етимга айлантираётган ота-оналарнинг ўз хатосини кўра олмаётгани жуда ачинарли. Фарзандлар вояга етиб, кўнгли кемтиклиги сабаб турли тўсиқларга дуч келганда эса вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Бугун маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган “еттилик” ходимлари масаланинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли вакиллари билан кўпроқ тушунтириш ишлари олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ажрашишларнинг 60,1 фоизи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келяпти. Худудлар кесимида энг юқори кўрсаткичлар (ҳар минг аҳолига тўғри келадиган ажримлар сони) Тошкент шаҳри (1,9 промилле), Фарғона (1,4 промилле), Андижон (1,4 промилле) ва Наманган (1,3 промилле) вилоятларида қайд этилган. Ажрашаётган эркакларнинг ўртача ёши 35,4 ни, аёлларники эса 32,1 ни ташкил этмоқда.

Ҳаётнинг асл моҳиятини англамоқчи бўлган киши тўсиқларни мардонвор енгизи зарур. Синовларга енгил таслим бўлиш, муқаддас кўрғонни муносиб ҳимоя қила олмаклик келажакда янада кўпроқ муаммолар гирдобига кириб қолишга сабаб бўлади. Шундай экан, ўз тақдирини ва келажакни бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон яқинларини қадрлаши, зиммасидаги масъулиятни тўла ҳис қилиши зарур. Зеро, оила фақат икки кишининг эмас, бутун жамиятнинг ҳаётига тўғри тайёрлаш барчамизнинг бурчимиздир.

ДАРОМАД МАНБАИ

## Ернинг катта-кичиги йўқ, ишлаганга у кони давлат

Денов туманидаги “Соҳибкор” маҳалласида истиқомат қилувчи Муборак Ғойибова хонадонида деҳқончилик ва чорвачилик йўлга қўйилган бўлиб, айниқса, иссиқхона фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Нигина ШОЕВА, журналист.

— Хонадон худудидаги 30 сотих ер майдонида замонавий иссиқхона ташкил этилиб, унда қулупнай етиштирилмоқда, — дейди “Соҳибкор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Сайёра Сайидова.



Умуман олганда, Муборак Ғойибова хонадонидидаги бу тажриба бутун маҳалла аҳли учун кичик ер майдонидан самарали фойдаланиш, меҳнат орқали баракани топшиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

— Эътиборлиси, бу ерга иссиқлик энергияси ишлатилмаган, жуда тежамкор ва экологик жиҳатдан маъқул усул ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу иссиқхонада етиштирилаётган қулупнай халқимиз дастурхонига етказиб берилмоқда. Ҳозирда кунига ўртача 100 килограмм маҳсулот йиғиб оли-

ниб, 70 минг сўмдан сотувга чиқарилмоқда. Томорқадан самарали фойдаланаётган хонадон вакиллари оилавий даромадини ошириш баробарида бозор расталарини ҳам сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшапти.

— Бу ишни бошлаганимиздан бери фарзандларимга моддий жиҳатдан қўмак бериб келяпман, — дейди Муборак Ғойибова. — Қулупнайдан топилган даромад эвазига уларни ўқитдим. Энди тўй қилиш оstonасидаман. Меҳнатимиз орқали олаётган даромадимиз биз учун ҳар жиҳатдан дастак бўляпти.

Зулайхо БОТИРОВА, Бухоро вилояти:

— Болалар нафақаси кимларга, қанча мuddатга ва қандай тартибда берилади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.


Имомали ТУЕВ, Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими:

— Болалар нафақаси ва моддий ёрдам “давлат таъминотидаги оила” ва “камбағал оила” тоифасидаги хонадон вакилларига улар мазкур тоифадан чиққунга қадар, “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасидагиларга улар мазкур тоифага киритилган ойдан кейинги олти ой мuddат учун тайинланади.

Бола пули миқдорини белгилашда “давлат таъминотидаги оила” ёки “камбағал оила” тоифасидан чиқарилган ҳолда “камбағаллик чегарасидаги оила” тоифасига ўтказилган оилага қўшимча ариза талаб этмаган ҳолда оила

МЕНДА САВОЛ БОР...

### БОЛАЛАР НАФАҚАСИНИ ОЛИШ ШАРТЛАРИ ҚАНДАЙ?



аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган ўртача ойлик даромади минимал истеъмол харажатларининг 1 бараваридан — 1,25 бараваригача бўлганда қонунчилик ҳўжатларида белгиланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорининг 75 фоизи миқдоридан берилади. 1,25 бараваридан — 1,5 бараваригача бўлганда қонунчилик

ҳўжатларида белгиланган болалар нафақаси ёки моддий ёрдам миқдорининг 50 фоизи миқдорини таъминланади ва тўланади. Кичик ёки ягона боласи ўн саккиз ёшга тўлмаган оилага болалар сонидан келиб чиқиб нафақа тайинланади ва энг кичик (ягона) бола ўн саккиз ёшга тўлган оиланинг охиригача тўланади.



Ёшларнинг эҳтиёжлари ва кутилмалари юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказилиб, **МИЛЛИЙ ЁШЛАР ИНДЕКСИ** тузилади.



Ҳар бир ҳудуддан **“ЁШЛАР ТУМАН-ШАҲАРЛАРИ”** танлаб олиниб, уларда ёшлар имкониятларини оширишга қаратилган инфратузилма яратилади.



**ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН** ёшлар учун хорижга чиқиш паспорти ва айрим давлат хизматлари тўловлари 50 фоизгача қамайтирилади.

2026 йил  
22 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №33

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

### ТАҲЛИЛ

**Сўнги ўн йиллик Ўзбекистон таълим тизими хронологиясида “катта сакраш” даври сифатида мухрлини шубҳасиз. 2015 йилда олий ўқув юртлари 69 та бўлган. Бугунга келиб уларнинг сони 222 тага етиб, талабалар сони 1,4 миллиондан ошди. Хукумат 2030 йилга қадар ёшларнинг ярмини олий таълим билан қамраб олишни мақсад қилган.**

### Дипломли ёшлар кўп, муносиб иш-чи?

Сожида ЭШМАТОВА, журналист.

**А**ммо бу рақамлар ортида муҳим бир савол турибди: иқтисодиёт шунча микдордаги молия мутахассислари, ҳуқуқшунослар ва педагогларни қабул қилишга тайёрми? Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, бугун ёшлар нуфузли деб ҳисоблаган соҳаларни танлашаётган бўлса-да, бозор уларга юқори рақобат ва чекланган иш ўринларини тақлиф этмоқда.

**Вазиятнинг жиддийлигини рақамлар ҳам тасдиқлайди:** гарчи таълим кенгайиш имкониятларини оширган бўлса-да, мутахассислик йўналишлари ва меҳнат бозоридаги талаб ўртасида жиддий номуносиблик юзага келди. Хусусан, ҳар йили қарийб 700 минг талаба меҳнат ёшига етаётган бир пайтда, бор-йўғи 300 мингга яқин янги расмий иш ўрни яратилмоқда. Бу кўплаб битирувчилар учун меҳнат бозори ўта тор эканини, айрим соҳаларда эса кадрлар тақлифи ҳақиқий эҳтиёждан бир неча баробар кўп эканини кўрсатади.



Бугунги кунда ўзбекистонлик ёшлар орасида энг оммалашган таълим йўналишлари қуйидагича: молия соҳаси 21,4 минг нафардан ортиқ талаба билан энг йирик йўналиш бўлиб турибди, ундан кейинги ўринни 152 минг нафардан зиёд талаба билан педагогика йўналиши эгаллаган. Лингвистика (тилшунослик) қарийб 64 минг нафар талаба билан учинчи погондан жой олган бўлса, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, аниқ фанлар ва ҳуқуқшунослик йўналишлари ҳам кўплаб ёшларни ўзига жалб қилмоқда. Ушбу тенденциялар талабалар ҳамон нуфуз, ижтимоий мақом ва барқарорлик тимсоли сифатида қўриладиган соҳаларни танлаётганидан далolat беради.

Бироқ соҳанинг оммабоплиги ҳар доим ҳам меҳнат бозорида ижобий натижа кафолатини бермайди. Энг кўп талаба таҳсил олаётган айрим йўналишлар, аслида, расмий иш билан таъминланган кўрсаткичи энг паст бўлган соҳалар қаторига киради. Ёшлар ишлари агентлиги тадқиқотларига кўра, олий таълимдаги энг оммабоп 20 та йўналиш битирувчиларнинг атиги 27 фоизи ўз мутахассислиги бўйича расмий иш билан таъминланган. Бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларидаги ўртача 84-90 фоизлик натижадан анча пастдир. Мазкур ҳолат кўплаб талабалар кадрлар билан ҳаддан ташқари тўйинган соҳаларга кириб бораётганини ҳамда ўқишни тамомлагандан сўнг дуч келиши мумкин бўлган бандлик манзарасини тўлиқ тасаввур қилмаётганини кўрсатмоқда.

Статистик маълумотлар эса ёшларнинг аямалда қаерда меҳнат қилаётгани бўйича бутунлай бошқача манзарани тақдим этади. Мисол учун, лингвистика йўналишида қарийб 64 минг нафар талаба таҳсил олаётган бўлса-да, атиги 15 минг нафарга яқин ёш ушбу соҳада банд. Соғлиқни сақлашда 31 минг нафардан ортиқ талабага бор-йўғи 2.500 нафар банд ёш тўғри келмоқда.

Бу рақамлар кўплаб ёшлар кадрлар билан аллақачон тўйинган соҳаларни танлаётганини кўрсатади. Бу ҳолат битирувчиларнинг мутлақо ишсиз қолишини аналитика соҳаларида ходим топшига қийналса, мамлакатда битирувчиларнинг ўз малакасидан паст ишларда меҳнат қилиши, меҳнат миграциясининг ортиши ва билимли ёшлар орасида тушқунлик кайфияти кучайиши ҳавфи юзага келади.

**Ўзбекистон таълим олиш имкониятларини кенгайтириш борасида муҳим қадамларни ташлаб бўлди. Эндиги асосий вазифа — олий таълимни меҳнат бозори талабларига узвий мослаштиришдир. Кучли касбий йўналтириш тизими, меҳнат бозорининг аниқ прогнозлаш тизимлари ҳамда техник ва амалий соҳаларга кўпроқ урғу бериш олий таълим дипломларининг шунчалик мақом рамзи эмас, балки кафолатланган иш ўрнига олиб борувчи йўлланмага айланишига хизмат қилади.**

### МЕНДА САВОЛ БОР...

#### Шахснинг розилигисиз унинг расминини тарқатиш қонунийми?

Ирода САФАРБОВЕВА,  
Наманган вилояти:

— Мен бозорда савдо фаолияти билан шуғулланаман (рўмол сотаман). Кеча ёшлар етакчиси хотин-қизлар фаоли билан менинг рухсатимсиз расмга олиб, уни ижтимоий тармоқлар ва гуруҳларда тарқатган. Ушбу ҳолат қонунга мувофиқми?

**Қаҳҳор ЙЎЛДОШЕВ,**  
маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича адвокат:

— Аамалдаги қонунчиликка мувофиқ, шахснинг тасвири (фото ёки видео) шахсга доир маълумот ҳисобланади ва уни қайта ишлаш ҳамда тарқатиш факатгина ушбу шахснинг олдиндан берган розилиги асосида амалга оширилиши керак. Сизнинг ҳолатингизда, агар расмга олиш ва кейинчалик уни ижтимоий тармоқларда тарқатиш сиздан розилик олмасдан амалга оширилган бўлса, бу ҳаракат “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун талабларига зид ҳисобланади.

Қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-2-моддасига асосан, бундай ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга нисбатан жарима қўлланлиши мумкин. Агар ушбу ҳаракат такроран содир этилса, Жиноят кодексининг 141-2-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик ҳам юзага келади.



### ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

## АДАШГАН ЁШГА “ТАМҒА” ЭМАС, ИМКОН БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ МУҲИМРОҚ

Яқинда яна бир маҳалла билан бирлашганимиздан сўнг, ҳудудимиздаги ёшлар сони 640 нафарга етди. Ҳудуд кичик бўлгани учун уларнинг ҳаёти, муаммолари ва ютуқлари бизга яқин, деярли кўз олдимизда кечади. Бу бир жиҳатдан қувончли, қолаверса, катта масъулиятдир.

Аббос ИНОМҚУЛОВ,  
Қуйи Чирчиқ туманидаги “Галаботир” маҳалласи ёшлар етакчиси.



**М**аҳалламиздаги ий-гит-қизлар орасида меҳнатга лаёқатли, ўз йўлини топаётганлари кўп. Улар ишлаб чиқариш корхонасида, ўқув йиллари тизимида, хавфсизлик соҳасида ва бошқа турли фаолиятлар билан банд. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Шундай вазиятлар бўладики, бу жамият билан ҳам узвий боғлиқдир.

Тан олиш керак, жамиятимизда хали ҳам бир оғрикчи қараш мавжуд: кимдир бир марта хато қилса, уни бутун умрга “яроқсиз” деб баҳолаш. “У қамоқда ўтириб чиққан”, “у олдин адашган” деган тамға билан ундан юз ўгираман. Аслида, инсоннинг энг катта синов — унинг хатосидан кейин қандай ўзгариши эмасми?

Бу оғрикчи яқол ҳис қилган ёшларимиздан бири Азизбек эди. У анча вақт олдин жанжалга аралашиб, бир муддат жазони ўташ муассасасида бўлиб қайтди. Қайтган уни кўпчилик четлади. Иш бермади, ишонмади, хатто оддий саломига ҳам совуқ қаради. Азизбек эса ўзини исботламоқчи эди, лекин эшиклар ёпилди.

Шунда мен уни эътиборсиз қолдириш тўғри эмаслигини тушундим. Азизбек билан кўп суҳбатлашдик, уни тингладик. Унга имкон бериш кераклигини афрофдагиларга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Нихоят, кичик бир дўкон эгаси Раҳим ака уни ишга олди. Бугун Азизбек ўша ҳўжалик молларни дўконда меҳнат қилмоқда. Раҳим ака унга “ўғлим” деб мурожаат қилади. Энг муҳими — унинг хатосидан кейин қандай ўзгариши эмасми?

Ҳаёт факат қувончли воқеалардан иборат эмас. Турли синовлар, юракни ларзага соладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Яқинда Шохжаҳон исмли ёшимиз ўз жонига қасд қилишга уринди. Буни эшитиб, ўзимни ҳам бунда айбдор деб билдим. Воқеанинг тафсилотларини ўргандим. Бироқ сабаблар тўлиқ аниқланмади, аммо унинг руҳий ҳолати оғир экани сезилди. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатлар жимликда қолиб кетмаслиги керак.

Шу воқеадан кейин мен яна бир нарсани чуқур англадим: биз, ёшлар етакчилари, ёшларнинг ташқи муаммоларини кўра олсак ҳам, уларнинг ички дунёсини, сийратини тўлиқ тушуниш ҳар доим ҳам қўлимиздан келмайди. Шу сабабли маҳаллаларда малакали психологлар билан ишлаш жуда зарур, деб ўйлайман.

**Ёшлар, бу — фақат бугун эмас, эртанги кунимиздир. Уларнинг ички оғригини эшитмасак, уларнинг сукутини тушунмасак, кеч бўлиши мумкин. Мен эса ҳар кун бир нарсани ўзимга эслатаман: ёшларнинг фақат назорат қилиш эмас, уларни тушуниш ва уларга ишониш — энг катта вазифамиздир.**

### ТАРТИБ

## МАГИСТРАТУРА УЧУН ТИЛ СЕРТИФИКАТИ БЕКОР ҚИЛИНМОҚДА

2026 йил 10 апрелдаги Президент фармонида кўра, энди хорижий тилда ўқиган талабалар магистратура ва докторантурага ҳужжат топширишда тил сертификати топшириши шарт бўлмайди.

Шу билан бирга, сертификат талаби йўналишга қараб белгиланади. Масалан, хорижий тиллар учун С1 даража сақланиб қолади, аниқ фанлар, ахборот технологиялари, иқтисодиёт каби йўналишлар учун эса В2 даража етарли бўлади. Баъзи соҳаларда эса бу талаблар анча енгиллаштирилади.



Янги тартибга кўра, 2027 йилдан университетлар молиялаштирилиши уларнинг рейтингига боғлиқ бўлади. Бунда олийгоҳларнинг илмий ишлари, рақамлаштириш даражаси, халқаро ҳамкорликлари ва битирувчиларнинг ишга жойлашиши асосий мезон бўлади. Энг яхши 10 та университетга “Миллий тадқиқот университети” мақоми берилади. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон стипендияси” дастури ишга туширилади ва у орқали ҳар йили 500 нафаргача хорижий талаба жалб қилинади. Энди ҳужжатлар “Study in Uzbekistan” платформаси орқали топширилади, қабул шартларини эса университетларнинг ўзи мустақил белгилайди.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.



**КУНДУЗГИ ПАРВАРИШ ХИЗМАТИ УЧУН** тўланган 3 миллион сўмгача бўлган тўловларга даромад солиғи ҳисобланмайди.



**Ривожланишида нуқсонлар аниқланган 3 ёшгача бўлган болалар учун илк бор “ЭРТА АРАЛАШУВ” ХИЗМАТИ** босқичма-босқич жорий этилади.



**Ўзбекистонда “ЯНГИ КҮН” кундузги қараб туриш хизмати, “МАДАД” уйи хизмати ва “ИЖТИМОЙ ТАЪТИЛ” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати йўлга қўйилади.**

**6**

**Mahalla №33**

**2026 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА**

**“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”**

**ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ**

Маҳалладаги ижтимоий ходимлар кўмакка муҳтож инсонлар, ёлғиз кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари орқали халқнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

**ХАЛҚҚА ҲАМРОҚ, ҲУРМАТ ҲАМИША БАЛАНД**

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Орият йилнинг шу даврига қадар ушбу йўналиш бўйича республика бўйлаб кейс-менежмент асосида хизмат кўрсатиш жараёнлари таҳлил қилинди. Хусусан, маҳаллалардаги 70 мингга яқин эҳтиёжманд оилга кейс очилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди. Бунда алоҳида ёндашув асосида 150 минг 371 та хизмат ва ёрдам белгиланиб, 118 минг 72 таси бўйича ишлар якунига етказилган.



**Ижтимоий ходимлар ўз худудидида қийналган кишиларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб, уларнинг ижтимоийлашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Худудларда ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қобилбек Комилов. — Оиладаги бари кишининг мушкуллини енгиштириш, дуч келган муаммосини ҳал қилиш билан бутун оиллага қувонч бағишламоқда. Уларнинг келажакка ишончини оширапти.**

Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Камолон” маҳалласи ижтимоий ходими Ирода Исомиддинова худуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Ундан ортиқ кейс очиб, ҳар бир мураккаб оила ва фуқарога алоҳида ёндашув асосида манзилли ёрдам кўрсатишмоқда. Бу эса аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш ва фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий ходим ўрганиш ишларини олиб бориш жараёнида маҳаллада яшовчи Феруза Раҳимжонованинг ёрдамга муҳтожлигини аниқлади. Шунингдек, унинг фарзанди таълим жараёнига жалб этилмагани сабабли онанинг бандлиги таъминланмагани маълум бўлди. Биринчи навбатда, мазкур оила Ижтимоий реестрга киритилиб, фарзанди имтиёзли равишда “Имкониятлар олами” номили кўп тармоқли марказга жойлаштирилди. Бу эса боланинг таълим олиши билан бирга, онанинг ҳам меҳнат фаолияти билан шуғулланишига имкон яратди.

Оиланинг боқувчиси йўқлиги инobatта олиниб, маҳалла худудидан Феруза опага алоҳида жой ажратиб берилди. Шу билан бирга, унга давлат субсидия асосида тикув машинаси тақдим этиди. Бугунги кунда аёл чеварчилик қилиб, мустакил равишда даромад топапти. Унинг ҳаётидаги ушбу ижобий ўзгаришлар ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалий самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Айни пайтда ўзини ҳамisha эл орасида, деб биладиган ижтимоий ходимлар худудидида амалга оширадиган ишларини, хайрли амалларини режалаштириб олиш учун маҳаллалардаги ўрганишни давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон кадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг амалдаги ифодасидир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМЖОНОВА тейёрлади.

**ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ**

**“КИМНИНГДИР ҲАЁТИГА ҚУВОНЧ КИРИТА ОЛСАМ, БУ — МЕНИНГ БАХТИМ!”**

**Жамиятнинг энг но-зик, энг эътибор талаб қиладиган қатлами билан ишлаш — ҳар ким ҳам зиммасига ололмайдиган катта масъулият.**

Наргиза РАЙИМЖОНОВА, Марҳамат туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласи ижтимоий ходими.



Дамларнинг қалб оғриқларига шерик тутиниш, ўз манфаатларингдан кўра, бошқаларнинг эҳтиёжини устун қўйиш учун кучли ирода ва инсонпарварлик фазилати керак. Мен мана шу оғир, лекин шарафли йўлни танлаганлардан бириман. Ишончим комил, тўғри ёндашув, меҳр ва эътибор билан барча дардага даво топиш имкони бор.

Ҳар тонгни яхши ният билан бошлайман: бугун кимнидир ёлғизликдан, умидсизликдан, муҳтожликдан олиб чиқаман. Сабаби, бу дунёда инсонларга хизмат қилиш, кўзларидида умид учқунини қайта ёқишдан кўра, мароқлироқ юмуш йўқ.



**Ўртимизда амалга оширилётган ижтимоий ислохотлар, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили айнан биз, ижтимоий ходимлар орқали инсонлар ҳаётида ўз аксини топмоқда. Ҳар бир хизматимиз давлат сиёсатининг амалдаги ифодаси, ҳар бир қадимимиз инсон қадрини улуғлаш сари ташланган одимдир.**

Бугун бир оиланинг ҳолидан хабар олиб, унинг муаммоларини чуқур ўрганамиз. Эртага эса имконияти чекланган фарзандни жамиятга мослаштирамиз, керакли хизматларни кўрсатиб, фаровон турмуш кечиришига кўмаклашамиз. Ҳар бир эшик ортида янги синов, юракларни азоблаётган қайғу бор. Аммо биз бу дардлардан кўркмаймиз. “Еттилик” ходимлари билан бирга уларни енгишга, яширин иродани юзага чиқаришга ҳамisha тайёримиз.

Кўпчилик ижтимоий ёрдам, деганда фақат моддий кўмакни тушунади. Аслида, энг катта ёрдам, бу — са-

мимийлик, эшитиш ва доимий ҳамроҳлик қилишдир. Баъзан битта телефон кўнгириги, бир оғиз яхши сўз, оддий кулоқ тутиш одам ҳаётини буткул ўзгартиради. Мен айнан шу ёндашувни касбимнинг асосий мезони, деб биламан.

Кун якунига бориб, натижаларимни сарҳисоб қилишга одатланганман. Агар кимнидир ҳаётига оз бўлса-да қувонч олиб кирсам, бундан ортиқ бахт йўқ. Лекин доим ҳам ишлар биз ўйлаганимиздек кечмаслиги мумкин. Шундай вақтларда ҳам сира тушкунликка берилмайман. Фақат олға интилиш, халқ билан янада яқин бўлиш орқали барча тўсиқларни енгиб ўтиш имкони борлигини яхши биламан.

**ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ**

**ИККИ ТАНАДАГИ ЯГОНА КУЧ, ИРОДА ВА ИСТЕЪДОД**

Маржон ТОШМУРОДОВА, журналист.

Уларга барча зарур ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, таълим олиши учун махсус педагоглар жалб этилган. Қизлар уйда эмас, балки тендошлари билан ўқишни афзал кўргани учун мактабда инклюзив синф ташкил этилди. Бу эса уларнинг жамиятдан узоқлашмасдан, аксинча, фаол ижтимоий ҳаёт кечириши учун муҳим имконият бўлди.

Фотима ва Зухранинг ҳаёт тарзи, албатта, бошқалардан фарқ қилади. Улар бир танада яшаса-да, икки хил фикрлаш ва дунёқарашга эга. Фотима — чакқон ва сўзмом, Зухра эса теран фикрловчи, фантазияси кучли ва интеллектуал салоҳияти юқори.

Ўқитувчиларнинг таъкидлашича, улар илк бор мактабга келганидаёқ ўзларини жуда хотиржам ва вазим тутган. Кўп ҳолларда жисмоний имконияти чекланган инсонларда жамиятдан узилиш кузатилса, бу эгизаклар бундан мутлақо йироқ. Улар инсонларни яхши кўради, имкониятларини намоён этишдан кўркмайди.

Албатта, кундалик ҳаётда қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Бири овқатланса, иккинчиси кутиб туради, бири уйғониб кетса, иккинчисининг ҳам уйқуси бу-

Фотима ва Зухра Ҳолиевалар — Ўзбекистондаги ягона ажралмас сиам эгизаклари. Улар 2012 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов туманида дунёга келган. Тақдир тақозоси билан қизалоқлар бир муддат Андижон вилоятидаги “Муруват уйи”да тарбия олган. 2025 йил бошида эса Денов тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази кўмагида ўз оиласи бағрига қайтарилди. Ҳозирда туманининг “Кўзичоқли” маҳалласида яшаб, худуддаги 23-мактабда таҳсил олмоқда.



**— Фарзандларимни маҳалламизда ҳамisha яхши кўради, — дейди эгизакларнинг онаси Шохида Бердиева. — Ҳеч бир тадбир уларсиз ўтмайди. Яқинда шифохонада даволаниб келдим. Қизларим уй ишларини ҳам, дарсларини ҳам эплаб кетишди. Баъзан нега уларни аввалроқ олиб келмадим, деб ўйлайман. Фарзанд — улуғ неъмат. Ҳеч бир бола ота-онасидан айро бўлмасин.**

зилади. Айрим пайтларда Фотиманинг шошқалоқлиги Зухрага ноқулайлик туғдириши мумкин. Лекин улар буни сабр ва ўзаро тушуниш билан енгиб ўтади.

Мутахассислар уларни ажратиш масаласини бир неча бор ўрганган. Бироқ тос-чанок соҳасидаги умумий аъзолар сабаб операция қилиш имкони мавжуд эмас.


Қизлар нафақат назарий, балки амалий фанларда ҳам фаол. Улар ҳар йили ўтказиладиган “Сен истеъдодлисан” кўрик-танловида рассомчилик ва академик кўшиқчилик йўналишларида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, волейбол спорти билан ҳам шуғулланиб, турли мусобақаларда иштирок этишяпти.

Фотима ва Зухра — икки танадаги ягона куч, ирода ва истеъдод намунаси. Уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати, ўзига ишончи ва яшашга интилиши ҳар қандай инсонни хайратга солади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фотима ва Зухра Ҳолиеваларнинг ҳаёти — инсон иродаси, сабр-тоқатининг ёрқин намунасидир. Улар жисмоний жиҳатдан бошқалардан фарқ қилса-да, орзу-интилишлари, қобилияти ва ҳаётга бўлган муҳаббати билан ҳеч кимдан кам эмас. Муҳими, улар ўзларини жамиятнинг ажралмас қисми эканини ҳис этади.



Иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун 73,7 МИЛЛИАРД СЎМ КОМПЕНСАЦИЯ ТУЛАБ БЕРИЛДИ.



ХОРИЖДА ИШЛАМОҚЧИ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРГА тил ўрганиш харажатларининг 50 фоизи ҳамда касбий имтиҳонлар тўлиқ қоплаб берилади.



Ҳар йили 10 мингга ёш оила ИПОТЕКА ОРҚАЛИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ, кредитнинг Марказий банк ставкасидан юқори қисми қоплаб берилади.

2026 йил  
22 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Mahalla** №33

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

БИЛИМ ВА ИМКОНИАТ

# Тартиб ва мувозанат барқарорлиги эҳтиёжни маҳсулот ва хизмат билан таъминлайди

Касбим ташқаридан қуруқ ҳисоботлар ва қонунлар билан боғлиқдек кўринса-да, аслида, у инсонлар, уларнинг меҳнати ва ишончи билан чамбарчас туташган. Ҳар бир янги қонунни ўргана эканман, мен фақат касбий билимимни эмас, ўзимни ҳам тарбиялайман: сабрга, ҳолисликка ва энг муҳими — ҳалолликка. Шу боис ҳеч қачон ўрганишдан чарчамайман. Чунки билим тўхтаган жойда ривожланиш ҳам тўхтайд.



Тадбиркор — ғояни моддийлаштирадиган ижодкор. У ўз зиммасига хавф олиб, жамият эҳтиёжини маҳсулот ва хизматга айлантиради. Унинг қўли билан яратилган ҳар бир буюм — меҳнатнинг маҳсули. Солиқчи эса — тартиб ва мувозанат тимсоли. Биз жамият манфаати йўлида яратилган қийматдан улуш олиб, уни яна умумий фаровонликка қайта тақсиринглаймиз. Бизнинг вазифамиз — адолатни таъминлаш, ишончини мустақкамлаш ва қонун устуворлигини ҳаётга татиқ этиш.

Худойберди САЙФУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги “Навбоғчиён”, “Дукчиён”, “Кўл” маҳаллалари солиқ инспектори.

Менинг иш куним оддий кўриниши мумкин, аммо ҳар бир кун ортида ўнлаб инсонларнинг ташвиши, саволлари ва ечимлари ётади. “Дукчиён” маҳалласи мисолида айтиладиган бўлсам, ҳунармандчилик, савдо-сотик ва ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг ҳар бирига нафақат назоратчи, балки йўл-йўриқ кўрсатувчи сифатида ёндашишга ҳаракат қиламан. Бу ерда 800 дан ортиқ ер-мулк солиқ тўловчилар, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар бор. Бир кунги ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган ҳунарманднинг мурожаати тушди. У узоқ йиллардан бери қўли гул уста сифатида танилган, аммо ҳужжат ишлари ва солиқ ҳисоботларини юритишда қийинчиликка дуч келаётган эди. Натijaда унинг айрим солиқ тўловлари кечкичи, жарима ҳисоблангани арасида эди. Уста бу вазиятдан қўнчиб, ҳатто ишини вақтинча тўхтатиш ҳақида ўйлаётганини айтди.

Мен бу ҳолатни шунчаки қоидабузарлик сифатида кўриб чиқишни истамдим. Аввало, унинг фаолиятини сиңичлаб ўргандим: даромадлари, харажатлари, ишлаб чиқариш ҳажми. Маълум бўлдики, муаммо қасддан эмас, балки билим етишмаслиги ва нотўғри йўналтирилган ҳисоб-китоблар туфайли юзага келган. Шунда мен унга жарима қўлашдан олдин тушунтириш, йўл кўрсатиш зарурлигини аниладим. Ҳунарманд билан бирга ўтириб, унинг ҳужжатларини тартибга келтирдим. Солиқ тўловларини қандай ҳисоблаш, қандай муддатларда топшириш кераклигини оддий тилда тушунтирдим. Шунингдек, унга мавжуд имтиёзлар ва енгилликлар ҳақида ҳам маълумот бердим. Натijaда у ўз фаолиятини қонуний ва шаффоф йўлга қўйди, кечиккан тўловларини тартиб билан бартараф этди.

Афсуски, бугунги кунда атрофда турли фирибгарлар ҳам йўқ эмас. Тадбиркорлик фаолиятини юритишда эса кўпинча бир нечта инсонлар билан ҳамкорлик қилишга тўғри келади. Шу жиҳат мени алоҳида хавотирга солади. Шунинг учун энди иш бошлаган тадбиркорларнинг фаолиятини доимий равишда кузатиб бораман, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатаман.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Тойир САМАНДАРОВ, Андижон вилояти:

— Биз таълим жараёнида мактабимиз ўқувчиларини пуллик асосда тушлик ва нонушта билан таъминлаймиз. Шу ҳолатда ушбу пуллик овқатлантириш хизмати солиқдан озод қилинадими?

Мактабда пуллик овқатлантириш солиққа тортиладими?

Дилшод Йўлдошев, Андижон вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Солиқ кодексининг 59-моддасига мувофиқ, товарлар (хизматлар) ни реализация қилиш орқали олинган даромад иқтисодий фаолият натижаси сифатида қаралади ва солиқ солиш объекти ҳисобланади. Яъни таълим ташкилоти овқатлантириш хизматини пуллик асосда кўрсатаётган бўлса, бу реализация сифатида баҳоланади. Бундан ташқари, юридик шахслар фойда солиғини тўловчи ҳисобланади ва қўшимча ҳужжалик фаолиятдан олинган даромадлар солиқ солинадиган базага киритилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларни пуллик асосда овқатлантириш хизмати бюджет ташкилотининг асосий бепул таълим фаолияти доирасига кирмайди, балки алоҳида даромад келтирувчи фаолият ҳисобланади. Шу боис ушбу хизматдан олинган тушумлар солиққа тортилади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ТАВСИЯ

## ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ ВА СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ: муаммони қандай тўғри ҳал этиш мумкин?

Амалиётда кўп учрайдиган муаммолардан бири — тадбиркорнинг даромади “қоғозда бор”, аммо амалда пул оқими узилиб қолган вазиятдир.



Отабек БАКИРОВ, иқтисодчи.

Масалан, бир яқна тартибдаги тадбиркор қурилиш материаллари етказиб бериш билан шуғулланади. У маҳсулотни йирик буюртмачига топширган, барча ҳужжатлар расмийлаштирилган, бироқ буюртмачи тўловни бир неча ойга кечиктирган. Натijaда тадбиркор ўз вақтида солиқ тўлай олмай, солиқ қардорлиги юзага келади. Аслида эса унинг “пули бор”, фақат бу пул ҳали унинг ҳисоб рақамига келиб тушмаган.

Бу ерда “дебитор” тушунчасига аниқлик киритиш муҳим. Дебитор — бу сизга қарздор бўлган шахс ёки ташкилот, яъни сиз маҳсулот етказиб бергансиз ёки хизмат кўрсатгансиз, лекин ҳали ҳақини олмагансиз. Ушбу қарз “дебиторлик қарзи” деб юритилади.

Солиқ қонунчилигига кўра, бундай вазиятда тадбиркор муайян ҳуқуққа эга: у солиқ қардорлигини ўзининг дебиторлик қарзи ҳисобидан ундириш учун солиқ ташкилотига мурожаат қилиши мумкин. Бунинг учун эса дебитор билан ўзаро ҳисоб-китобларни тасдиқловчи ҳужжатлар — икки томонлама солиштирма далолатнома ёки бир томонлама расмийлаштирилган далолатнома ва бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари тақдим этилиши лозим.

Аммо бу имкониятни нотўғри тушунамаслик керак. Энг муҳим жиҳат шуки, тадбиркор бундай мурожаат қилган тақдирда ҳам, солиқ тўлаш мажбуриятдан озод этилмайди. Яъни қарз тўлиқ қопланмагунча, солиқ мажбурияти сақланиб қолади.

Шу боис тадбиркорларга тавсия қилинади: ҳар бир шартнома ва ҳисоб-китобни аниқ юритинг, дебиторлар билан ишлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиринг ва тўлов интизомига алоҳида эътибор қаринг. Энг муҳими, солиқ мажбуриятларини режалаштиришда фақат қўтилаётган даромадга эмас, балки ҳақиқий тушумга таянинг. Бу сизни ортиқча муаммолардан асрайди ва фаолиятингизни барқарор олиб боришга хизмат қилади.



Шу билан бирга, айрим ҳолатларда имтиёз берилмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ота-онанинг расмий даромади бўлмаса ёки у даромад солиғи тўламаса, тизим автоматик равишда қайтаримни рад этади. Ёки таълим учун тўлов пенсия маблағлари ҳисобидан амалга оширилган бўлса, бунда ҳам имтиёз қўлланилмайди. Шунингдек, фарзанд хорижда таълим олаётган бўлса ёки тўловлар тартибсиз, йил давомида бўлинган ҳолда амалга оширилган бўлса, муаммоли вазиятлар юзага келиши мумкин.

Имтиёзни расмийлаштиришнинг бир нечта йўли бор. Энг қўлай усуллардан бири — ҳисобчи орқали олиш. Бу ҳолатда ота-она иш берувчи орқали имтиёздан фойдаланади. Аммо бу усулда ҳам муҳим жиҳат бор: тўловни амалга оширишдан олдин уч томонлама шартнома тузилиши керак — ота-она, иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасида. Шундан кейин иш ҳақининг бир қисми тўғридан-тўғри таълим учун йўналтирилади ва натijaда ота-она даромад солиғидан енгиллик олади.

Аммо ҳаётда ҳамма ҳам олдиндан бунди режалаштира олмайд.

Кўп ҳолларда ота-оналар бир йўла ил учун тўлов қилиб қўйишда ёки имтиёз борлигини кейин билиб қолишда. Бундай вазиятда энг тўғри йўл — онлайн тартибда мурожаат қилишдир. Онлайн тизим орқали имтиёз олиш икки босқичда амалга оширилади. Аввало, фуқаро ўзининг йиллик даромади ҳақида декларация топширади. Шундан сўнг “my3.Soliq” ёки “my.gov” платформалари орқали ортиқча тўланган солиқни қайтариш учун ариза юборилади. Энг қўлай жиҳати шундаки, бу усул орқали нафақат жорий йил, балки сўнгги уч йил давомида тўланган солиқларни ҳам қайтариб олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, болалар таълими учун солиқ имтиёзи оддий қонуний қоида эмас, балки оиланинг елкасидаги оғирликни биров бўлса-да енгиллаштирадиган имкониятдир. Лекин бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш учун фақат ҳуқуқни билишнинг ўзи камлик қилади — тартибни тушуниш, ҳужжатларни тўғри юритиш ва белгиланган муддатларга амал қилиш ҳам жуда муҳим. Ахир бугун билим фақат фарзандларимиз учун эмас, балки ота-оналарнинг ўзи учун ҳам энг катта таянчга айланиб бормоқда.



Самарқанд шаҳрида  
НАРКОТАҲДИДЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШГА  
БАҒИШЛАНГАН  
халқаро форум  
ўтказилди.



Портатив лазерли  
нур тарқатгичларнинг  
қонунга хилоф  
муомаласи учун  
ЖАВОБГАРЛИК  
БЕЛГИЛАНДИ.



СОВУҚ ҚУРОЛГА ОИД  
қоидабузарликлар  
БҲМнинг  
1 барабаридан  
5 барабаригача  
миқдорда жаримага  
сабаб бўлади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МУҲИТ

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК БИТТА БЎЛСА ҲАМ,  
ХАВОТИРНИ ОШИРАДИ

Одатдаги иш жараёни давом этяпти. Бирдан эшик тақиллаб, мурожаатчи кириб келди. Маълум бўлишича, фарзандининг велосипедини кимдир ўғирлаб кетибди. Тезкор чора кўриб, кўп қаватли уйнинг назорат қилувчи кузатув камерасини кўздан кечирдик. Ўғри топилди. У шу уйда истиқомат қилувчи муқаддам судланган фуқаро бўлиб чиқди. Велосипед эгасига қайтарилди...

Шоим ҚАРШИЕВ,  
Учтепа туманидаги  
“Найман” маҳалласи  
профилактика катта инспектори,  
подполковник.

Тувох бўлганингиздек, ҳудудга ўрнатилган кузатув камералари орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларни тезкор фотосурат олиш имкониятимиз ошган. Маҳалла ҳудудида ўрнатилган 94 та камеранинг барчаси профилактика инспектори хонасига интеграция қилинган.

Бундан ташқари, “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ўтказилаётган кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар доирасида маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, аҳоли билан бевоқиф мулоқотни йўлга қўйиш бўйича самарали ишлар олиб борилапти. Айниқса, хонадонма-хонадон юриб, муаммоларни ўрганиш, таклиф ва мурожаатларни жойида ҳал этиш амалиёти ижобий натижа бермоқда.

Ҳар куним ҳудуддаги таниш одамлар муаммоси, мурожаатига ечим топиш билан бошланади. “Етилик” билан олиб борилаётган ишлар аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилапти.

Тизимда фаолият бошлаганимга 34 йил бўлди. Бу маҳаллада 2017 йилдан бери ишлаб келмоқдаман. Тажрибамдан келиб чиқиб, ҳушмуомалалик, тўғрисиқлик ва адолатпарварликни шиорга айлантирганман.

Лекин сўнгги ойларда маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар сони нисбатан ортгани ҳар бир ходимни ташвишга солди. Утган йилги натижаларга кўра, “сарик” тоифадаимиз. Ниятимиз йил охиригача жиноятчиликдан холи ҳудудга айланиш эди. Аммо кўп қаватли уйлارга ноқонуний келиб яшаётганлар ўғирлик, безорилик каби жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этиши ортидан кўрсаткичлар салбий кўриниш олди. Ҳар бир ҳолатни таҳлил қилиб, ўрганганимизда жиноятлар вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатда турмаган фуқаролар иштирокида бўлгани аниқланди. Шу боис “хонадонбай” ўрганишлар жараёнида уйбошиларга янги кўчиб келганлар ҳақида тезкор хабар беришни тушунтирдик.

“Ҳуқуқий маданият” ойлиги доирасида хотин-қизлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш мақсадида турувчи шахслар билан доимий тарзда профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда. Масъуллар қонунчилиги талабларига риоя этиш, келгусида қайта ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этмаслик, оилавий муҳитда соғлом муносабатларни шакллантириш юзасидан зарур тавсиялар беряпти. Шунингдек, пробация назоратидаги шахсларнинг яшаш шароити, бандлиги ҳамда кундалик турмуш тарзи ўрганилиб, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, тўғри йўлга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилляпти.

Халқимиз тинч яшаса, жиноят содир этилмас — шу менинг энг катта бахтим. Узимни фақат жиноятчиликнинг олдини олишга масъул эмас, балки халққа маслаҳатчи, кўмакчи, деб билганим учун аҳоли билан ўртаимизда самимий муносабат ўрнатилган.



ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...



Безорини  
“уй қамоғи”  
қайта тарбиялайди

Бу воқеа Урганч шаҳридаги марказий деҳқон бозорида рўй берган. Қудрат Бобониёзов (исм-шарифлар ўзгартирилган) назоратчи Азамат Аҳмедовни беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилган, шаъни, кадр-қимматини таҳқирлаган.

Элёрбек БОБОЖОНОВ,  
жиноят ишлари бўйича  
Урганч шаҳар суди тергов судьяси.

Албатта, бундай қилмиш беиз кетмади, аниқроқ айтганда, Қ.Бобониёзовга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми “в” ва 3-қисми “г” бандлари бўйича жиноят иши қўзғатилди. Эҳтиёт чораси сифатида вақтинчалик ҳибсга олинди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Наримон ДЕҲҚОНОВ,  
Урганч шаҳри:

— Кўпчилигимиз турли мақсадларда хорижга чиқишимизга тўғри келади. Гоҳида муаммо юзага келади. Кутилмаганда чет элга чиқишга тақиқ борлиги учун сафар қолдирилади. Ҳўш, мен чет элга чиқмоқчи бўлсам, олдиндан тақиқ бор ёки йўқлигини билсам бўладими?



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.

“Хорижга  
чиқмоқчиман,  
тақиқ борлигини  
қандай биламан?”



Абдорбек ЭЪЗОЗХОНОВ,  
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Албатта, бу маълумотни аввалдан билиб олиш имконияти бор. Бунинг учун МИБнинг расмий боти: @tibuzgrasmiy\_bot орқали текшириш мумкин. Ботга кириб, “Ижро ҳужжатлари” бўлимини танлашсиз. Паспорт серияси ва рақамини ҳамда туғилган санани киритасиз.

Шунингдек, my.gov.uz (Ягона интерактив давлат хизматлари портали)даги “Ўзбекистон Республикасидан чиқишга вақтинча чеклов қўйилганлиги ҳолатини текшириш” хизматидан фойдалансангиз бўлади.

Қолаверса, tib.uz сайтнинг “Чет элга чиқишга чеклов” бўлимига кириб, ЖШШИР (ПИНФЛ) ёки паспорт маълумотлари орқали текшириш мумкин.

Агар қарздорлик аниқланса, уни онлайн тўлов тизимлари орқали тўлаб, тақиқни олиб ташлаш мумкин. Тақиқ тўлов қилингандан кейин одатда 1-3 иш кунини ичида олинади.

Б

уни си камлик қилгандай, унга тегишли мобил телефон ускунасини шикастлаган, шу ердаги автоматлаштирилган сунъий тўсиқ ҳамда бинонинг ойналарини уриб синдирган. Ҳовурини бу билан ҳам босолмаган, чоғи, А.Аҳмедовга тан жароҳати етказган. Шунингдек, хизмат вазифасини ўтаётган профилактика инспектори Б.Қамолловнинг қонуний талабини бажаришдан бош тортиб, фаол қаршилиқ кўрсатган.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Суд ишни кўриб чиқишда масалага ҳар жиҳатдан эътибор қаратди. Гумонланувчи муқим яшаш жойига эга экани, ҳақиқатни аниқлашга доир далиллар тўпланмагани, бундай ҳужжатлар иш материалларида ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунга кўра, суд унга нисбатан “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб топди. Айбланувчи суд залидан озодликка чиқарилди.

Инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда уй қамоғи жазосининг тайинлини жиноят ҳуқуқида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кўриниши ҳисобланади. Ушбу ёндашув орқали шахсни жамиятдан тўлиқ ажратмасдан туриб, унинг ҳулқ-атворини назорат қилиш, қайта тарбиялаш ва ижтимоий мослашувини таъминлаш имконияти яратилади. Шу билан бирга, бу жазо тури жазонинг адолатлилиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаб, жамият ва шахс манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлашга хизмат қилади.

